

A 3D digital artwork of a lush green island. In the center, there is a small pavilion with a blue dome and white pillars, surrounded by a low wall and some flowers. The island is covered in dense green trees and bushes. The island is surrounded by a body of water, which reflects the island and the sky. There are many small white birds flying around the island. On the left side, there is a large green letter 'P' and a red letter 'R' partially visible.



Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



# ЭРТАГА КЕЧ БҮЛАДИ...

## ЁХУД БУГУН ЯШАШ ТҮЙҮСҮ



# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ

## Чўлланишга қарши кураш ҳамда экотизимларни тиклаш йўналишида ҳамкорликни мустаҳкамламоқда

Марказий Осиё экологияси ва атроф-муҳит тадқиқотлари марказида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Ўрмон ва яйлов хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан “Хитойнинг Ички Мўғулистон ҳудудида экологик ҳимоя тўсиғини барпо этиш бўйича илғор тажрибалар” мавзусида тақдимот-қўргазма ташкил этилди.

Тадбир чўлланишнинг олдини олиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ҳамда табиий ресурсларни барқарор бошқариш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича илғор тажриба алмашиш учун муҳим майдонга айланди.

Унда Президентнинг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси – Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов, Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов, Хитой Халқ Республикаси Ички Мўғулистон автоном райони партия қўмитаси котиби ўринбосари Ши Гуанхуи, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбир давомида экологик барқарорликни таъминлаш, чўлланиш жараёнларининг олдини олиш, ўрмонлар майдонини кенгайтириш, деградацияга учраган ҳудудларни тиклаш ва қўшма табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ўрмон ва яйлов хўжалиги соҳасига инновацион технологиялар ҳамда илмий ишланмаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирнинг муҳим воқеаларидан бири Хитойнинг Ички Мўғулистонда чўлланишга қарши ку-



раш борасида эришган ютуқларига бағишланган қўргазма бўлди. Меҳмонларга экологик ҳимоя тўсиғини барпо этиш ва деградацияга учраган экотизимларни тиклаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли давлат дастури натижалари намойиш этилди.

**Иштирокчилар, шунингдек, Хитойнинг “Уч шимолий ҳимоя ўрмон минтақалари” миллий лойиҳаси амалга оширилишига бағишланган “Яшил Ипак йўли: саҳронинг янги ҳаёти” номли ҳужжатли филм билан танишдилар. Фильмда мамлакатнинг қурғоқчил ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, ерларни тиклаш ва чўлланишга қарши самарали тизим яратиш борасидаги кўп йиллик тажрибаси ёритилди.**

Амалий дастур доирасида Ички Мўғулистон автоном райони ва Ўзбекистон Республикаси мутахассислари ўртасида ўрмон ва яйлов хўжалиги соҳасида тажриба алмашинуви ташкил этилди. Мавзули тақдимотлар давомида Ички Мўғулистон автоном райони Ўрмон ва яйлов хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ван Чжаошен табиий экотизимларни тиклаш, кўчат етиштиришнинг замонавий технологияларини қўллаш ҳамда ўрмон ресурсларини бошқариш бўйича Хитой тажрибасини тақдим этди. «Green University» ректори Бахтиёр Пўлатов эса илмий-таълимий ҳамкорликни ривожлантириш, экология йўналишида мутахассислар тайёрлаш ва қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш истикболлари ҳақида сўз юритди.

Яқунда «M-Grass Ecology and Environment Group Co., Ltd.» корпорацияси ҳамда «Green University» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат

уруғ ва кўчат етиштириш, деградацияга учраган яйловларни тиклаш, ерларнинг чўлланишига қарши курашиш, шунингдек, экология соҳасига замонавий технологияларни жорий этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутди.

Эришилган келишувлар экология ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Улар Ўрмон агентлиги делегацияси томонидан Инчуан шаҳрида “Хитой ва Марказий Осиёнинг чўлланишга қарши курашдаги ҳамкорлиги” халқаро конференцияси доирасида имзоланган аввалги битимларни мантиқан давом эттириб, табиий экотизимларни асраш, ҳудудларнинг ўрмон билан қопланиш даражасини ошириш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашишга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар ярагади.





**Бугунги кунда иқлим ўзгариши, чўлланиш, сув танқислиги ҳамда чанг-қум бўронларининг кучайиши дунё мамлакатлари қаторида Ўзбекистон учун ҳам долзарб экологик масалалардан бирига айланди. Айниқса, Сурхондарё вилоятининг табиий-иқлим шароити ушбу муаммоларга қарши тизимли ва узок муддатли чоралар кўришни талаб этмоқда.**



## ЯШИЛ КЕЛАЖАК САРИ ҚАТЪИЙ ҚАДАМЛАР

Шу боис мамлакатимизда Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси, «Яшил белбоғ» ва «Менинг боғим» дастурлари экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш ҳамда чўлланиш жараёнларини чеклашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2022 йилдан буён Сурхондарё вилоятида 44 миллион 783 минг тупдан ортиқ мева ва манзарали дарахт ҳамда бута кўчатлари экилди. Натижада 18 та «Яшил боғ», 28 та «Яшил жамоат парки» ва 32 та «Ҳокимлик боғи» ташкил этилди. Шунингдек, Термиз ва Шеробод туманлари орқали ўтувчи М-39 халқаро автомобиль йўли бўйлаб 61 километрлик яшил белбоғ барпо этилди.

Бугунги кунда Ангор туманининг Қорақир, Каттақум ва Зартепа массивларида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Илгари дарахт ўсмайди, деб ҳисобланган қумли ва шўрланган майдонларда юз минглаб манзарали кўчатлар экилиб, уларни парваришлаш учун замонавий суғориш тизимлари яратилди. Қорақирда сув икки километр пастликдан чиқарилиб, 4,5 километрлик суғориш тармоғи қурилди. Бу эса ёзнинг жазирама кунларида ҳам ниҳолларни сақлаб қолиш имконини бермоқда.

Зартепа массивида эса ерларнинг шўр қатламини юмшатиш, тупроқни алмаштириш, биогеомус ва намликни сақловчи материаллардан фойдаланиш каби илмий ёндашувлар самара берди. Натижада 287,8 гектар майдонда 721 минг туп манзарали кўчатдан иборат улкан яшил белбоғ барпо этилди.



Қум бўронларининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида Қорақир массивида 108 гектар майдонга 250 мингдан зиёд Элдор қарағайи, япон тути ва каталпа кўчатлари экилди. Термиз туманининг Янгиобод маҳалласида эса 31 гектар майдонда Элдор қарағайи ва наъматак кўчатларидан иборат янги яшил ҳудуд ташкил этилди. Кўчатларни суғориш учун резервуарлар барпо қилиниб, томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Вилоятда «Менинг боғим» лойиҳаси доирасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2024–2025 йилларда 6 та «Яшил боғ» ва 20 та «Яшил жамоат парки» ташкил этилган бўлса, 2026 йилда яна 1 та «Яшил боғ» ҳамда 14 та «Яшил жамоат парки» барпо этилиши режалаштирилган.

Экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро тажриба ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан,

АҚШда 1930-йилларда содир бўлган машҳур Dust Bowl экологик инқирозидан кейин юз минглаб гектар майдонларда шамолдан ҳимоя қилувчи ўрмон полосалари ташкил этилди. Бу тадбирлар чанг бўронларини камайтириш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда катта натижа берди.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда аниқ режалар асосида ишлар давом этмоқда. Хусусан, 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ҳимоя ўрмонзорлари ва яшил қопламалар босқичма-босқич кенгайтирилади. Чўл ҳудудларида саксовул ва бошқа қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экиш, галофит боғларини ташкил этиш, сунъий сув ҳавзалари барпо этиш ҳамда интенсив боғ ва тутзорлар яратиш режалаштирилган.

Бу ишлар нафақат чанг ва қум бўронларининг салбий таъсирини камайтиради, балки атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш, биохилма-хилликни асраш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва янги иш ўринлари яратишга ҳам хизмат қилади.

Табиатни асраш – бир кунлик акция эмас, балки ҳар биримиздан масъулият, меҳр ва доимий саъй-ҳаракат талаб қиладиган эзгу вазифадир. Бугун экилган ҳар бир ниҳол келажак авлод учун мусаффо ҳаво, соғлом муҳит ва барқарор ҳаёт пойдевори бўлади. Яшил келажақ эса бугунги эзгу амалларимиздан бошланади.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
«Жамият»



## Уч дона чиннигул

Эркин Воҳидов бошчилигида 1982 йилда ташкил этилган “Ёшлик” журналининг илк нишона сонини чиқариш учун қизғин тайёргарлик кўрилатган пайтлар эди. Таҳририятда машинкачи бўлиб ишлардим. Кунларнинг бирда ёзувчи Хайриддин Султонов менга қўлёзма топширди. Бу журналнинг биринчи сонига чоп этишга режалаштирилган адибнинг “Саодат соҳили” қисаси экан.

Дарҳол ишга киришдим ва ўзим билмаган ҳолда асар қаҳрамонлари ҳаётига кириб боравердим. Азбаройи “кейин нима бўлишига” қизиқишим ортганидан айтилган вақтдан бир неча кун олдин ишни тамомладим ва машинкага бошимни қўйганча хўнг-хўнг йиғлай бошладим. Хонадошларим хавотирга тушиб қолишди, нима бўлганини сўрашди, мен эса гапиролмай нуқул қўлёзмани кўрсатиб йиғлайман. Кимдир югуриб бориб Хайриддин акага воқеани етказибди. Бир маҳал

хонага адибнинг ўзлари кириб келдилар-да менга хайрат билан қараб: – Синглим, сизга нима бўлди, ким хафа қилди? – дедилар.

Мен эса кўзларимни арта-арта:

– Хайриддин ака, шунақаям шафқатсиз бўласизми? Ахир шартмиди Бобурни ўлдириш? – дебман кўз ёшларим шашқатор бўлиб.

Хайриддин ака ҳайрон бўлдилар:

– Синглим, мен тарихни ўзгартиролмаيمان-ку? Ахир Бобур бобомиз ростдан ҳам жуда ёш ўтганлар-да... – дедилар шошиб.

– Биламан, лекин асарнинг охирида Ҳофиз Куйкий Бобурнинг вафотини билмай Андижонга кетса бўларди-ку. Нега Бобурнинг вафоти ҳақидаги номадан у кишини хабардор қиласиз?

Хайриддин ака гўдакдай аразлаб йиғлаётган талаба қизга акаларча, ҳа, акаларча самимий қараб турдилар-да, сўнгра:

– Билмабман-да, синглим, сизларни бунча хафа қилиб қўйишим-

ни билмабман-да, – дедилар ва қўлёзмани олиб секин хонадан чиқиб кетдилар.

Мен асар таъсирида кечгача ўртаниб юрдим. Эртаси эрталаб ишга келсам машинкамнинг устида уч дона чиннигул ва шоколад турибди. Савол назарим билан қизларга қарадим.

– Кеча сени хафа қилган ёзувчи олиб келди, – дейишди.

Озгина хижолат бўлдим ва сўнгра гулларнинг бирини техник муҳарриримиз Валентина опага, иккинчисини ҳамкасбим Раъно опаларга бергач, шоколадни чой билан маза қилиб едик.

Кимлар учун оддий кўринган бу воқеа мен учун беғубор ёшлигим ва ғўрлигимни эслатгани учун жуда ёқимли ва азиз...

**Гулжаҳон МАРДОНОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоновнинг “Ялдо кечаси” романини мутулаа қилиб бўлгач, бундан роппа-роса қирқ тўрт йил аввал бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди.

Ўшанда университетнинг журналистика факультети кечки бўлими талабаси эдим. Ардоқли шоир



# ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ...

## Президентнинг «одамларни рози қилиш» фалсафаси ва кўринмас инқилоб мазмуни

...Соат миллари тунги иккидан ошган. Одатда, бу маҳалда сиёсий сахналар сукунатга чўмади. Лекин Ўзбекистон сиёсатининг бугунги ритми бутунлай бошқача. Хизмат хонасида чирок ўчмаган. Президент иш столи устидаги навбатдаги ҳужжатни нари суриб, чуқур хўрсинди. Унинг рўпарасида – олис вилоятдаги чекка бир қишлоқнинг аянчли аҳволи, ичимлик суви етмайдиган, мактабининг тоmidан чакки ўтадиган маҳалланинг суратлари ва хисоботлари ётибди.

«Биз ким учун ишляпмиз?» – деган савол мана шу тонг палласида вазиrларнинг эмас, бутун бир миллатнинг виждонига берилган оғир сўрокдек янграйди.

Биз йиллар давомида қандай яшадик? «Сабр қилинлар, яна озгина чидасак, ҳаммаси зўр бўлади», «Эртанги буюк келажак учун бугунни қурбон қилиш керак» деган баландпарвоз шиорлар чанг босган архивларда қолди. Чунки одамлар келажакни кутавериb, чарчаган эди. Шавкат Мирзиёев сиёсий сахнага келган илк кунларданок мана шу чарчокни, халқнинг ичидаги маҳзунликни кўра олди. У ҳамма кутган, лекин ҳеч ким баралла айтишга ботинмаган оддий ва аччиқ ҳақиқатни ўртага ташлади: «Халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшаши керак!»

Бу шунчаки чиройли шиор эмас.

Бу – сиёсий доктриналарни парчалаб ташлаган, бюрократиянинг музлаган юрагини эритган инсонпарварлик портлаши эди.

Агар тарихга назар ташласак, давлат раҳбарлари одатда мухташам залларга, олдиндан бўяб, ялтиратиb қўйилган «кўргазмали» кўчаларга ташриф буюришарди. Мирзиёев эса тизимни бутунлай тескарисига бурди. У кортежларни тўхтатиb, оддий маҳаллаларнинг ичига, одамларнинг яшаш шароитига кириб борди. Тўсатдан, режадан ташқари, деворлар ортидаги ҳақиқий Ўзбекистон билан юзма-юз келди.

Бир тасаввур қилинг: Чекка бир қишлоқда, чироғи тез-тез ўчадиган уйда яшаётган нафақахўр отахон кўчага чиқса, қаршисида Давлат раҳбари турибди. Ҳеч қандай трибуналарсиз, сохта чапакбозликларсиз. Президенту билан қўл

бериb кўришиб, «Кўзингизга қараб айтяпман, нима муаммонгиз бор? Метиндек чидаб келаятганингиз учун раҳмат», деяпти.

Мана шу лаҳзада расмиятчилик ўлади. Мана шу лаҳзада янги Давлат пайдо бўлади – инсоннинг кадр-кимматини ҳамма нарсадан устун қўядиган Давлат!

Илгари давлат ва фуқаро ўртасида тубсиз жарлик бор эди. Одамлар «тепага» фақат ариза ва шикоят билан, унда ҳам юрак ютиб мурожаат қилишарди. Бугун эса Халқ қабулхоналари тизими, Президентнинг вилоятларга маҳаллабай юриши мана шу жарлик устига қурилган меҳр кўпригига айланди.

Йиллар давомида жамиятимизда «қора рўйхатлар» деган даҳшатли соя бор эди. Хато қилган, адашган, қаердадир нотўғри гапириб қўйган ёки диний қарашлари туфайли шу рўйхатга тушган минглаб ватандошларимиз ва уларнинг фарзандлари жамиятдан узиб қўйилганди. Уларнинг пешонасига тамға босилган эди.

Шавкат Мирзиёев келди ва бир қарор билан ана шу «музлик даври»га чек қўйди. Шафқатсизлик эмас, шафқат қилиш устувор тамойилга айланди. Ички ишлар идора-

ларининг назорат рўйхатларидан ўн минглаб одамлар чиқарилди. Уларга ҳаётга, жамиятга қайтиш учун имкон берилди.

Бунинг исботи сифатида «МЕХР» операцияларини олайлик. Уруш ўчоқларида – Сурия, Ироқ ва Афғонистонда хор-зор бўлиб, адашиб кетган юртдошларимизни, айниқса, бегуноҳ аёллар ва гўдакларни Ватанга қайтариш кимнинг ҳаёлига келган эди? Халқаро ҳамжамият ҳайратда қолди. Чунки кўплаб қудратли давлатлар ҳам ўз фуқароларини у ерлардан олиб чиқишга журъат қилолмаган эди.

Мирзиёев эса: «Улар бизнинг фуқароларимиз, улар адашган бўлса ҳам ўзимизники, уларни ташлаб қўйёлмаймиз!» деди. Бу – сиёсий жасоратдан ҳам юқори турувчи, соф оналик ва оталик меҳрига йўғрилган инсонпарварлик эди. Бугун ўша болалар ўз юртида, тинч осмон остида мактабга боряпти, куляпти. Бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ бағрикенглик борми дунёда?

Илгари амнистия деганда фақат маълум бир енгил жиноят қилганлар тушуниларди ва бу жараён жуда қуруқ расмиятчилик асосида кечарди. Эндиликда Президент Конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб,





# ЁХУД БУГУН ЯШАШ ТҲЙҒУСИ

йилда бир неча бор — байрамлар арафасида Афв этиш фармонларини имзоламоқда.

Бу ерда кутилмаган жиҳат шундаки, Президент узоқ йиллар панжара ортида ўтирган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларни ҳам бағрига олмоқда. Давлат жазоловчи машина эмас, балки кечирувчи, тўғри йўлга солувчи паноҳга айланди. Қанчадан-қанча оилаларга қувонч қайтди, қанча фарзандлар отасини, онасини бағрига босди.

Бу мақолани ёзишдан аввал, афв этилган собиқ маҳкумлардан бири билан суҳбатлашдим. У шундай деди: «Мен ўзимни жамият учун ўлган ҳисоблардим. Президент фармони билан озодликка чиққанимда, менга нафақат эркинликни, балки инсонийлик шарафимни ҳам қайтариб беришди». Мана, сиёсатнинг ортидаги асл мақсад қаерда яширинган!

Кўпчилик иқтисодчилар ҳисоб-китоб қилади: Ялпи ички маҳсулот ошди, инвестиция кўпайди, экспорт ҳажми кенгайди... Лекин оддий одам учун бу рақамларнинг иссиқ-совуғи йўқ. Чекка қишлоқдаги аёлга «Инфляция пасайди» десаңгиз, у тушунмайди. Унга бугун газ керак, бугун чироқ керак, фарзандининг шартнома пулини тўлашга маблағ керак.

Шавкат Мирзиёевнинг феномени шундаки, у йирик иқтисодий лойиҳаларни ҳам ижтимоий мазмун

билан бойитди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» деган тизимлар пайдо бўлди. Бу — дунё тажрибасида кам кузатилган, мухтож қатламни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш моделидир.

Камбағалликни тан олиш — энг катта жасорат эди. Йиллар давомида бизда камбағаллар йўқ, деб кўзимизни юмиб келдик. Президент эса: «Камбағаллик бор, биз уни яширмаслигимиз, балки унга қарши курашишимиз керак», дея ҳақиқатни тан олди. Ва бугун минглаб оилаларга субсидиялар бериляпти, тадбиркорликка йўналтириляпти. Бу — одамларга балиқ бериш эмас, балиқ тутишни ўргатиш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини бугун уйғотиш демакдир.

Хўш, нима учун Президент вақтдан нолийди? Нима учун у вазирларни, ҳокимларни «Ухлайсанлар, вақт кетяпти!» деб тергайди? Чунки у жуда яхши билади: инсон умри чекланган. Бугун 70 ёшга кирган отахон беш йилдан кейин келади-ган фаровонликни кўролмаслиги мумкин. Бугун бешиқда ётган гўдак эртага эмас, айнан ҳозир соғлом муҳитда, бахтли оилада вояга етиши шарт!

«Бугун яшаш» ғояси — бу сиёсий сабрсизлик эмас. Бу — халққа бўлган чексиз муҳаббатдан туғилган безовталиқдир.

Биз йиллар давомида «келажак

пойдеворини қуряпмиз» деб, томсиз, деворсиз уйда яшадик. Шавкат Мирзиёев эса ўша уйнинг томини ёпиб, ичига чироқ ёқиб, печкасини қиздириб, «Мана, марҳамат, бугун иссиққина уйда яшанг, келажакни эса биргаликда қурамыз», деяпти.

Бундан бир неча йил олдин Сардоба сув омбори талофати юз берганда, Давлат раҳбарининг воқеа жойига етиб бориши ва одамлар билан тик оёқда туриб гаплашиши ёдингиздами? У ўша ерда, лой кечиб, халқ билан бирга бўлди. Кўз ёши тўлаётган онахонни бағрига босиб: «Уйингизни ўзим қуриб бераман, сиқилманг», деди. Ва айтганини қилди. Бир неча ой ичида Сардоба қайта туғилди.

Ёки пандемия даврини эсланг. Бутун дунё саросимага тушганда, Президент халққа мурожаат қилиб, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи учун давлат жавобгар эканини айтди ва минглаб тиббиёт марказлари, тезкор тизимлар яратилди. Мана шундай оғир дамларда раҳбарнинг халқ ичида бўлиши — энг катта бағрикенглиқдир.

Оролбўйи ҳудудига эътиборни қаранг. Музлаган, ташландик, ўлаётган ҳудуд деб ҳисобланган Мўйноқ бугун тубдан ўзгарди. Оролнинг қуриган тубида яшил ўрмонзорлар барпо этиляпти. Бу — табиатга ва у ерда яшаётган инсонларга бўлган олий ҳурматнинг намунаси.

Бугун Ўзбекистон ўзгаришти. Бу ўзгаришлар фақатгина янги қурилатган кўп қаватли уйлар, замонавий заводлар ёки равон йўлларда эмас. Энг катта ўзгариш — одамларнинг кўзида! Одамларнинг қалбидан қўрқув кетди. Улар ўз фикрини баралла айта оляпти. Оммавий ахборот воситалари жамиятдаги камчиликларни очик ёзишмоқда. Ва бу эркинлик муҳитини шахсан Президентнинг ўзи қўллаб-қувватламоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарварлик феномени шундаки, у давлатни қудратли қилиш билан бирга, уни меҳрибон қилишга ҳам эришди. Давлат бугун фуқарога буйруқ бермаяпти, балки унга хизмат қиляпти.

Ҳа, ҳали муаммоларимиз кам эмас. Бюрократиянинг қолдиқлари, ижро органларидаги сусткашликлар учраб турибди. Лекин энг муҳими — йўналиш тўғри олинган. Сиёсат марказига Инсон қўйилган.

Халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшаши керак! Бу — Президентнинг қалб даъвати, бу — Янги Ўзбекистоннинг бош шиори ва у ҳеч қачон ортга қайтмайдиган муқаддас йўлдир. Ва биз бу йўлда фақат ва фақат олдинга юришимиз, бугунги кунимизнинг қадрига етиб, уни янада гўзал қилишимиз шарт. Зеро, ҳаёт бир марта берилади...

**Максуд ЖОНИХОНОВ**





# ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



**Бугунги глобаллашув жараёнларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласи дунё давлатлари олдидаги энг муҳим стратегик вазифалардан бирига айланмоқда. Иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги ва биохилма-хилликнинг камайиши каби муаммолар экологик бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.**

Экологик экспертиза институтининг ўтган йилларда шаклланган ҳуқуқий асослари бугунги глобаллашув жараёнлари талабларига мутлақ жавоб бермаётгани аҳоли пунктларида юзага келган экологик ҳолатларда яққол намён бўлди. Шу нуктаи назардан, экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш экологик сиёсатнинг асосий мақсади сифатида белгиланди.

Экологик баҳолаш янги лойиҳалар, ишлаб чиқариш объектлари ёки инфратузилма дастурларининг атроф-муҳитга таъсирини олдиндан аниқлаш ва баҳолаш имкониятларини беради. Ривожланган давлатлар тажрибасида мазкур тизим экологик хавфларни камайтириш, инвестиция лойиҳаларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда экологик қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтиришда самарали восита сифатида қўлланилмоқда.

Замонавий халқаро механизмлар орасида атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тизими алоҳида ўрин тутди. Ушбу механизм Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония ва бошқа қатор давлатларда кенг жорий этилган бўлиб, ҳар қандай лойиҳа амалга оширилишидан олдин унинг экологик оқибатлари чуқур таҳлил қилинади. Бу эса табиатга зарар етказиши мумкин бўлган қарорларнинг олдини олиш имконини беради.

Стратегик экологик баҳолаш тизими ҳам муҳим халқаро механизмдир.

У нафақат алоҳида лойиҳаларни, балки давлат дастурлари, ҳудудий режалар ва иқтисодий стратегияларни ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини экологик таъсирини баҳолаш имконини яратади. Бу орқали узоқ муддатли ривожланишда экологик барқарорлик таъминланади.

Экологик баҳолаш тизимига рақамли технологияларни жорий этиш ҳам замон талаби ҳисобланади. Халқаро амалиётда геоахборот тизимлари (ГИС), сунъий интеллект ва онлайн мониторинг платформаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу технологиялар экологик маълумотларни тезкор йиғиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Экологик баҳолаш тизимига халқаро стандартларни жорий этиш экологик баҳолаш миллий тизимини самарали амалга ошириш, аҳолига қулай атроф-муҳит, инвесторларга эса қулай инвестицион муҳит яратади. Халқ-



аро амалиётга кўра, экологик баҳолаш институтида аҳоли фикрини иноватга олиш экологик низоларни олдини олади ва қарорларнинг очиқлигини таъминлайди. Шу боис, жамоат экологик экспертизаси, жамоатчилик эшитувлари институтларини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув жараёнларида мамлакатимизда экологик экспертиза ўтказишнинг ҳуқуқий асослари халқаро талабларга мутлақ жавоб бермаслиги сабабли 2025 йилда амалдаги “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қуни кеча, эса мазкур қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг янги механизмларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2026 йил 11 майдаги 234-сон қарори қабул қилинди.

Қарор лойиҳаси билан янги таҳрирда қабул қилинган қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган қуйидаги бир қатор тартиблар, хусусан давлат экологик экспертизасини ўтказиш ҳамда атроф-муҳитга таъсирни баҳо-

лашни ўтказиш тартиблари тасдиқланди.

Бунда, амалда 4 та тоифага бўлинган экологик экспертиза объектлари биттага қисқартирилмоқда, бу ўз навбатида атроф-муҳитга таъсири кам бўлган минглаб кичик бизнес вакилларининг экологик экспертиза жараёнларига тортилмаслик имкониятларини яратади. Объектларнинг тармоқлар кесимида берилиши эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида чалкашликларни олдини олишга хизмат қилади.

Давлат экологик экспертизасини ЯИДХП орқали амалга ошириш тартибининг белгиланиши давлат экологик экспертиза соҳасининг шаффофлигини таъминлаб беради. Шунингдек, экологик экспертиза субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик хулосалар бўйича муаммолар масалаларни коллегиял ҳал этиш институтлари, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативларни ишлаб чиқишда халқаро ҳужжатлар, хусусан Париж келишуви, Базел, Био-хилмаҳиллик конвенсиялари доирасида олинган мажбуриятлар ижросига йўналтирилган ҳуқуқий асослар жорий этилмоқда.

Жамоатчилик эшитувларини ўтказиш ҳамда жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартибларининг ишлаб чиқилганлиги экологик қарорлар қабул қилишда демократик қадриятларнинг мустаҳкамлашда муҳим ҳужжат сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳужжатлар Орхус конвенсияси доирасида олинган мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Шунингдек, лойиҳачилар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг рейтингини юритиш ҳамда малака сертификатини бериш тартиблари, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг иш самарадорлигини ва ишлаб чиқиладиган

ган ҳужжатлар сифатини баҳолаш мақсадида уларнинг рейтингини юритиш, шунингдек лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимларга қўйилган талаблар, уларга малака сертификатини бериш тартиблари белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоиз, экологик баҳолаш тизимида стратегик экологик баҳолаш халқаро амалиётнинг устувор тадбирларидан бири ҳисобланади. Стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби ўз навбатида давлат дастурлари, концепсиялари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари каби стратегик ҳужжатларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Давлат экологик экспертизаси органлари томонидан биргина 2025 йилда 49 620 та экологик экспертиза хулосалари берилган бўлиб, шундан 700 га яқин лойиҳа экологик талабларга жавоб бермаганлиги аниқланган. Қарор билан лойиҳачиларга нисбатан малака сертификатини жорий этиш ва лойиҳа ташкилотлари рейтингини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланаётганлиги ўз навбатида улар томонидан экологик талабларга жавоб бермайдиган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қарор билан экологик баҳолаш тизимига замонавий халқаро механизмларни жорий этиш атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, экологик хавфларни камайитиришга хизмат қилади. Бу жараён нафақат табиатни асраш, балки келажак авлод учун соғлом ва хавфсиз муҳит яратишда ҳам муҳим омил бўлади.

**Ғайрат МУҲАМЕДОВ,**  
Давлат экологик  
экспертизаси маркази  
Бош директори





### МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим  
ўзгариши миллий  
қўмитаси

Ўзбекистон  
«Маҳалла» хайрия  
жамоат фонди

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати – Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси

### Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Қамолиддин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Максуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-710  
Адади: 3018  
Пайшанба кuni чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6



Қобилбек Каримбековнинг қалбида Ватанга муҳаббат, халққа садоқат ва касбга фидойилик мужассам. У киши ҳар бир чиқишга пухта тайёргарлик кўрар, ҳар бир фикрнинг аниқлиги ва ҳолислигига алоҳида эътибор қаратар эди. Шунинг учун ҳам томошабинлар унинг ҳар бир чиқишини ишонч билан қарши олар, фикрларини эътибор билан тинглар эдилар.

Мен Қобилбек акани нафақат маҳоратли журналист, балки юксак маданиятли инсон, содиқ дўст, олижаноб маслаҳатчи сифатида ҳам юракдан кадрлайман. Ҳаётда катта мансаб ёки машҳурлик инсонни ўзгартириши мумкин. Аммо Қобилбек ака йиллар давомида ҳамиша бир хил – камтар, камгап, мулойим, самимий ва бағрикенг инсон бўлиб қолдилар.

Бундай инсонлар миллат маънавиятининг тирик устунларидир. Улар фақат эфирда эмас, балки ўз ҳаёт тарзи, одоби, муомаласи ва инсонларга бўлган муносабати билан ҳам ёш авлод учун ибрат мактабини яратади.

Чунки шундай инсонлар бор экан, журналистикада ҳақиқатнинг овози, маънавиятнинг нафаси ва инсонпарварликнинг нурли зиёси ҳеч қачон сўнмайди.

**Ғуломжон МУСАЕВ,**  
**«Содиқ хизматлари учун»**  
**ордени соҳиби, II-даражали**  
**меҳнат фахрийси кўкрак нишони**  
**совриндори.**

2026 йилнинг 22 июль кuni Ўзбекистон журналистикасида ўзига хос ўринга эга бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли сиёсий шарҳловчи, Турон Фанлари академиясининг академиги, юксак давлат ва жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган Қобилбек Каримбеков муборак 70 ёшни қарши олди.

## КАМТАРЛИК ВА ЗАКОВАТ ТИМСОЛИ

Инсон ҳаётида шундай шахслар бўладики, уларнинг юксак мартабаси ёки унвонларидан ҳам кўра, оддийлиги, камтарлиги ва инсонларга бўлган меҳри кўпроқ эътиборни тортади. Қобилбек ака ана шундай фазилатлар соҳибидир. У киши билан суҳбатлашган ҳар бир инсон, аввало, унинг самимиятини, мулоҳазакорлигини, вазминлигини ва юксак маданиятини ҳис этади.

Мен учун Қобилбек Каримбеков нафақат машҳур журналист, балки қалбан жуда яқин, азиз инсон ҳисобланади. Такдир бизга қарийб қирқ йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистон телевидениесининг ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар тахририятида елкадош бўлиб ижод қилиш бахтини насиб этди. Бир режиссёр, бир тахририят, бир мақсад йўлида қанчадан-қанча эфирлар, кўрсатувлар, ижодий изланишлар ортда қолди.

Мен солиқ, иқтисодиёт ва молия мавзуларида чиқишлар қилар эдим. Қобилбек ака эса мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг энг муҳим воқеаларини юксак профессионаллик билан ёритар эдилар. Лекин уларнинг ижод олами фақат сиёсат билан чекланмас эди. Аксинча, тарих, адабиёт, миллий санъат, маънавият, спорт ва айниқса футбол ҳақидаги чуқур билимлари, мулоҳазалари ҳар қандай суҳбатни мазмунли ва қизиқарли қилиб юборарди.

Қобилбек ака билан бизни яна бир-лаштириб турган энг муҳим жиҳатлардан бири – маънавиятга бўлган муҳаббат эди. Биз ҳар иккимиз ҳам Ўзбекистоннинг бетакрор спорт, жумладан футбол шарҳловчиларидан бири, халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган Ахбор Имомхўжаевни юксак ҳурмат қилардик. У кишининг маънавий мероси, журналистикадаги мактаби ва инсонпарварлик фазилатлари ҳақида соатлаб суҳбатлашган кунларимиз ҳали-ҳануз ёдимда.

Қобилбек аканинг инсон сифатидаги яна бир ноёб фазилати – ҳар қандай фикрни тинглай билиши, яхши ташаббусни қўллаб-қувватлаши ва ижодкорларга ишонч билдиришидир. Мен билдирган бирор таклиф ерда қолмаган. Агар мавзу жамият учун муҳим бўлса, у сиёсий ёки иқтисодий, санъатга ёки спортга бағишланганидан қатъи назар, Қобилбек ака унинг мазмуни ва аҳамиятига эътибор қаратар, уни муносиб эфирга тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилар эдилар.

Шу боис ҳам улар сиёсий шарҳловчи сифатида танилган бўлсалар-да, санъатга бағишланган кўрсатувларни ҳам, спорт мавзусидаги суҳбатларни ҳам, маънавий-маърифий лойиҳаларни ҳам бирдек юксак савияда олиб бора олар эдилар. Бу эса журналист учун энг муҳим фазилат – кенг дунёқараш ва ҳақиқий зиёилик белгисидир.

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

**Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиши ва йўл ҳаракати маданиятига амал қилиши хизмат интизоми ҳамда жанговар шайликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.**

Шу мақсадда Жануби-ғарбий маҳсул ҳарбий округ тасарруфидаги Нуристон кўрғонида жойлашган ҳарбий қисмда «Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбир Қарши гарнизони Ҳарбий автомобиль нazorати инспекцияси вакиллари иштирокида ўтказилди.

Давра суҳбатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий ҳайдовчиларнинг масъулиятини янада ошириш, транспорт воситаларидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш масалалари муҳокама қилин-

ди. Мутахассислар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг ачинарли оқибатлари, ҳуқуқий жавобгарлик, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда огоҳлик ва эҳтиёткорликнинг аҳамияти ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Тадбир давомида амалий мисоллар, видеолар ва таҳлилий маълумотлар орқали йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти кенг ёритилди. Шунингдек, ҳарбий транспорт воситаларидан фойдаланишда техник хизмат кўрсатиш талабларига риоя қилиш, хавфсиз-

лик белгилари ҳамда сигнал тизимларидан тўғри фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Бундай тарғибот тадбирлари ҳарбий хизматчилар ўртасида йўл ҳаракати маданиятини юксалтириш, интизом ва шахсий масъулиятни мустаҳкамлаш, энг муҳими, инсон ҳаётини асрашга хизмат қилади.

Қайд этиш жоизки, Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам ҳарбий қисмларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Йўл қоида-си-га риоя қилиш – ўз ҳаётингиз, сафдошларингиз ва юртимиз тинчлиги учун хизмат қилиш демакдир.

**Жаҳонгир АШУРОВ,**  
**Қарши ҳарбий прокурори, адлия**  
**полковниги**



Инсоният тарихининг энг қадимий саҳифаларини ўрганишда Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон» давлат қўриқхонаси ҳудудида жойлашган Хатак ғори алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қўриқхонанинг Хатак бўлими, Боғлидара массивида жойлашган ушбу ноёб археологик ёдгорлик илк бор археолог Холёр Ойназаров томонидан аниқланган.

## ТАРИХ ҚАЪРИГА ЙЎЛ ОЧАЁТГАН ХАТАК ҒОРИ

Бугунги кунда Хатак ғори нафақат мамлакатимиз, балки халқаро илмий жамоатчилик эътиборидаги муҳим тадқиқот масканларидан бирига айланган. Ғорнинг милoddан аввалги 100–40

минг йилликларга оид маданий қатламлари неандертал одамларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этмоқда.

2022 йилдан буён ўзбекистонлик ва франци-

ялик олимлар ҳамкорлигида олиб борилаётган археологик изланишлар давомида неандертал одамлар овчилик ва кундалик турмушда фойдаланган тош қуроллар, шунингдек, ҳайвон суякларидан ясалган ноёб буюмлар аниқланмоқда. Бу топилмалар ибтидоий одамларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва яшаш муҳитини янада чуқурроқ ўрганиш имконини бермоқда.

Айни пайтда Хатак ғорида қазимиш ишлари ва илмий таҳлиллар изчил давом эттирилмоқда. Мутахассислар янги археологик топилмаларни аниқлаш ва уларнинг илмий аҳамиятини ўрганиш бўйича тадқиқотларни кенгайтirmoқда.

Таъкидлаш жоизки, Хатак ғорида олиб борилаётган изланишлар Марказий Осиё ҳудудида неандертал одамларнинг яшаш тарзи ва инсоният таракқиётининг илк босқичларини ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида юксак илмий аҳамиятга эга.

**Темур ҒОЙИБНАЗАРОВ,**  
Сурхондарё вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари

## КИТОБСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Қишлоқдошим Абдиқарим бобонинг ажабтовур одати бор. Ҳар ойда нафақа пулини олгач, нақ қирқ чақирим йўл босиб туман марказига боради ва китоб дўконидан ўзи ёқтирган китобларни (неваралари учун болаларбопларини ҳам) харид қилади-да, тилло топган одамдек кувониб уйига қайтади.

– Кунларнинг бирида бир воқеа содир бўлди, – дейди Абдиқарим бобо бироз куйиниб. – Қишлоққа қайтмоқчи бўлиб, йўловчи таксига чиқдим. Ёнимда ўтирган мактабда адабиёт фанидан дарс берувчи Бобоқул муаллим кўлимдаги халтага қараб сўради:

– Роса, бозорликни катта қилиб-сиз-ку отахон, нима, ошналарингизнинг навбатдаги гаштаги сизникидами?

– Йўқ, аммо, зўр китоблар сотиб олдим, мана, – дея харид қилган китоблардан бир нечтасини муаллимга кўрсатдим.

Муаллим ҳайрон бўлиб сўради:

– Буларни сотиб олдингизми?

– Ҳа-да...

– Қанчага?

– Беш юз мингга ...

Муаллим ҳайрон бўлиб яна менга қаради.

– Йўғ-а, буларни сотиб олиб нима қиласиз?

– Ўқийман...

– Ўзингиз бир пенсионер бўлсангиз, сизга нима зарил китоб ўқиб, ундан кўра рўзгор учун улбул олсангиз бўлмайdimи?

– Бўлмайди, – дедим, – бироз аччикланиб, ҳаёт фақат қорин тўйдиришдан иборат эмас-ку, шундай эмасми, домла?..

Муаллим мулзам бўлиб индамади. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Ўзим ҳам муаллимни озгина уялтирганимдан ўнғайсизландим. Ниҳоят, қишлоққа кираверишдаги бекатда Бобоқул муаллим машинадан тушиб қолди. Менинг эса уйга кела-келгунча адабиётдай мўътабар фандан дарс берадиган муаллимнинг синфидаги қора кўз ўқувчиларининг аҳволи кўз ўнгимдан кетмай, ачиниб, хафа бўлиб кетдим...

\* \* \*

– Ҳар якшанба куни туғилиб ўсган қишлоғимга бориш одатим бор, – дейди ижодкор укалардан бири. – Чунки, қишлоғимизда анча чеккада жойлашган бўлса-да, би-

роқ, гавжумгина бозори бор-да...

Одатдагидай бозор айланиб, турли хил зираворлар сотадиган тоғлик аёл ёнида турган, яп-янги, тархи ҳали бузилмаган журналларни кўриб, ҳайрон бўлиб сўрадим.

– Хола, манови журналларни қадердан топдингиз, сотиб олдингизми?

– Эй, қаёқда, ҳозиргина хей, анови йигит ўн беш минг сўмлик ошлик эвазига ташлаб кетди, – дея нариги тарафда қассобдан гўшт харид қилаётган, бундан тўрт ой аввал қишлоғимиздаги мактабга директор этиб тайинланган, йўқ, йўқ, бегона эмас, Абсалом тоғамизнинг ўғли Собирни кўрсатди.

– Кўзларимга ишонмадим. Демак, бизнинг тоғавачча мактаб кутубхонаси учун келган журналларни бозорга чиқариб, пуллабди-да... деган ўй-хаёл ўтди, кўнглимдан.

Зирачи аёлга эллик минг бериб, журналларни харид қилдим ва секин Собир директорнинг ёнига бордим. Саломлашиб ҳол-ахвол сўрашдик.

– Қани, тараддуд каттагина-ку, директор тоға? – дея сўрадим.

– Эртага мактабга комиссия ке-

лармиш, шунга тайёргарлик...

– Бозорларингиз зўр экан, ҳатто шаҳардан ҳам излаб топилмайдиган мана бундай ноёб “товар”лар ҳам сотиларкан, – дея кўлимдаги журналларни кўрсатдим-да, азборайи аччиқланганимдан ҳайр-маъзурни ҳам унутиб ундан узоклашдим.

... Кечкурун эса шаҳарга қайтмоқчи бўлиб тургандим, уйимизга Абсалом тоғам кириб келди.

Тоға ахир, тоға-да! Қолаверса, бир умр қишлоқдошларининг кўй-кўзисини бокиб, чўпонлик ортидан тўрт ўғил ва тўрт қизни уйли-жойли, касб-корли қилган одамни эъзозламай бўладими?..

Тоғам билан мириқиб суҳбат курдик. Ниҳоят, қайтар чоғида тоғам оҳиста деди:

– Энди жиян, Собирбой директор бир нодонлик қилибди, ўзиям менадан роса оладиганини олди, энди анови содир бўлган воқеа орамизда қолсин, майлими, ахир бегона эмасмиз...

Мен ноилоҳ бош ирғадим...

**Ўролбой ҚОБИЛ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси